

РУХИЙ ЗЎРЛИК БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бўриев Бехруз Алимардон ўғли

ИИВ Академияси 3-босқич 312-гурух курсанти

Аннотация: Ушбу мақола орқали сиз, руҳий зўрлик билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, унинг асосий хусусиятлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи ижтимоий-ҳуқуқий нормалар ва уларни қўллаш амалиёти тахлил қилиниб, такомиллаштишига доир таклиф ва тавсиялар берилиб, ушбу фаолиятда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликлар қўриб чиқилган ҳамда бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар берилган ва хориж тажрибалари ўрганиб чиқилиб уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида тахлили юзасидан мулохазалар юритилиб, тавсиялар бериб ўтилган. Юқорида келтириб ўтилган жихатлардан фойдаланган холда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: руҳий зўрлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш.

КИРИШ

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда²⁹⁵.

Қонун ҳужжатларида ички ишлар органларининг энг устувор йўналиши сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг амалий механизмини жорий этиш²⁹⁶ назарда тутилган. Тадқиқотларда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва амалий механизmlарини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш долзарб масала эканлиги таъкидланган²⁹⁷.

²⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

²⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартағи «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 3528-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

²⁹⁷ Абдуллаҳоджаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты: дис. ... канд. юрид. наук – Т., 2004. – С. 118.; Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2019.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларига бўлган жамият эҳтиёжи ва Ҳаракатлар стратегиясида бу соҳада белгиланган устувор вазифалар талаблари, мазкур диссертация доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда: а) назарий; б) ташкилий; в) ҳуқуқий; г) методологик асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Биринчи йўналиш. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда хуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси мақсади, вазифалари, субъектлари, объектларини аниқ ва тўлиқ белгилаш имконини берадиган назарий асослар бўлиб хизмат қиласидан тушунчаларни илмий муомалага киритиш зарурати вужудга келган.

Хуқуқбузарлик тушунчасини фақатгина Маъмурий ва Жиноят кодекси нормалари талаблари бузилиши нуқтаи назаридан эмас, балки мазкур нормалар талаблари бузилиши занжирининг олдинги ҳалқалари бўлган фуқаролик, оила, меҳнат, экология, тадбиркорлик ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларининг бузилишини ҳам ўзида акс эттириши; б) виктимология нафақат хуқуқбузарликлардан жабрланган, балки жабрланиш эҳтимоли юқори ва жабрланишга мойил бўлган шахсларни ҳамда уларнинг сабаб ва унга имкон берайтган шарт-шароитларни ўрганиши; в) профилактика нафақат хуқуқбузарлик содир этилишига, балки хуқуқбузарликдан жабрланишга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантириш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳам назарда тутиши кераклиги диссертациянинг 1-боби 1.1. параграфида асослантирилди ҳамда муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди.

Мазкур тушунчаларнинг хуқуқбузарликлар профилактикаси назариясига киритилиши ва амалдаги қонунларда мустаҳкамланиши келажакда хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларга бу соҳада чора-тадбирларни аниқ ва манзилли белгилаш ҳамда улар фаолияти йўналтириладиган объектларни тўлиқ қамраб олиш имкониятини беради.

Иккинчи йўналиш. Ички ишлар органларининг: а) Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасига мувофиқ хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берайтган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича белгиланган ваколати доирасида, мазкур қонуннинг 23-моддаси талаблари асосида эса хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берайтган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиши; б) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 313-моддаси талабларига мувофиқ

маъмурий ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда уларни бартараф қилиш юзасидан чоралар қўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритиши, раҳбар эса тақдимнома келиб тушган қундан бошлаб бир ой ичидаги уни киритган органга (mansabdar shahsiga) қўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шартлиги; в) суриштирувчиси ва терговчиси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 296-моддасига мувофиқ жиноят ишларини юритишда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шартлиги, 297-моддасига мувофиқ эса улар жиноят ишини тергов қилиш чоғида аниқланган жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини қўриш тўғрисида тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга тақдимнома киритиши белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқотининг олдинги бобларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси оид назарияда, қонунчиликда ва амалиётда ҳам ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли(мойиллик)ни шакллантирувчи ва жабрланишни тақозо этувчи сабабларни ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни (виктимоген омилларни) аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш соҳасида муайян бўшлиқлар борлиги аниқланди ҳамда асослантирилди.

Мазкур бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси ва қонунчилигига, шунингдек амалиётга қуйидаги тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

а) **ҳуқуқбузарлиқдан жабрланишга мойил бўлган шахс** - ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этилишидан жабрланиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс;

б) **ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчи** - бу ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги натижасида жисмоний, маънавий ҳамда мулкий зарар кўрган ёхуд ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида шундай зарар кўриш реал хавфи остида қолдирилган шахсdir;

в) **ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг объекти** - бу ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари йўналтирилган ҳуқуқбузарликлардан жабрланишга мойиллик (эҳтимол юқори бўлиш)ни шакллантирувчи ва жабрланишни тақозо этувчи омилларнинг, жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳамда жабрланган шахсларнинг жамиятда бўлишини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

г) **ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолияти** - бу ҳар қандай шахснинг, хусусан ҳуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахснинг жабрланувчига айланишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлиқдан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва

эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг такрор жабрланишига йўл қўймаслиқ, жабрланишни келтириб чиқарувчи вазият (ҳолат)лар ва сабаб-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган умумий, маҳсус, якка тартибдаги хукуқий, ижтимоий, ташкилий, психологик, маънавий, маърифий, тиббий, педагогик ва бошқа чора-тадбирлари мажмуини амалга оширишга қаратилган фаолиятидир.

Бундан ташқари, маъмурий хукуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли(мойиллиги)ни шакллантирувчи ва жабрланишларнинг сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритилиши хукуқий тартибга солинмаган.

Тадқиқот натижалари ички ишлар органларининг хукуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли(мойиллиги)ни шакллантирувчи ва жабрланишнинг сабаб ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича фаолиятини хукуқий тартибга солиш соҳасидаги мавжуд зиддият ва бўшлиқни бартараф этишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг нормаларини тақомиллаштириши. Мазкур кодекснинг 313-моддаси ҳамда 196-моддалари ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлиб, уни қуидагилар билан асослаш мумкин: биринчидан, кодекснинг 313-моддасига асосан тақдимнома киритиш ваколати ишни кўриб чиқувчи орган (mansabдор шахс)га берилган; иккинчидан, кодекснинг 196-моддасида эса ишни кўриб чиқувчи орган эмас, балки хукуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур кодекснинг 313-моддасига асосан ишни кўриб чиқувчи органларга тақдимнома киритиш ваколати берилган бўлса-да, тақдимномани бажариш чораларини кўрмаганлик учун жавобгарлик масаласи фақат суд томонидан ҳал қилиниши белгиланган. Бу эса ваколатли органнинг тақдимномасини профилактик жиҳатдан таъсир этиш даражаси самарасизлигига олиб келмоқда. Беларусь Республикаси Маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 24.3-моддасида прокуратура, суриштирув, тергов (назарда тутилган бошқа) органлари томонидан киритилган тақдимномани бажармаган ҳолларда ушбу органлар маъмурий баённома расмийлаштиришга ваколатли ҳисобланади²⁹⁸.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг:

а) 196-моддасида нафақат Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг, балки хукуқбузарликнинг, шунингдек хукуқбузарлиқдан жабрланишнинг сабаб ва

²⁹⁸ Сивакова Ю.Л. О некоторых мерах по повышению эффективности деятельности следственного комитета Республики Беларусь как субъекта профилактики правонарушений // Вестник Академии МВД республики Беларусь. – 2014. – №2(28). – С.32.

шароитларини бартараф этиш юзасидан ваколатли органлар (*МЖтКнинг 313-моддасига асосан 34 та орган, ЖПКнинг 297-моддасига асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор)нинг ёзма тақдимномалари*га асосан “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия”лар томонидан ҳал этилишини назарда тутувчи қоидани мустаҳкамлаш зарур;

б) 313-моддасига ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) томонидан корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритилаётган тақдимномада ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли(мойиллиги)ни шакллантирувчи ва жабрланишнинг сабаб ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш кераклиги ҳақида қоида киритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларини такомиллаштириш. Мазкур кодекснинг: а) 296-моддасига жиноятдан жабрланиш эҳтимоли(мойиллиги)ни шакллантирувчи ва жабрланишнинг сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш мажбуриятини; б) 297-моддасига суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятдан жабрланиш эҳтимоли(мойиллиги)ни шакллантирувчи ва жабрланишнинг сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароит ҳамда омилларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритишини; в) 298-моддасига жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятдан жабрланиш эҳтимоли(мойиллиги)ни шакллантирувчи ва жабрланишнинг сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқаришини, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни ҳамда омилларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилишини; г) 299-моддасига жиноятдан жабрланиш эҳтимоли(мойиллиги)ни шакллантирувчи ва жабрланишнинг сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичидаги тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт эканлигини назарда тутувчи қоидаларни киритиш зарур.

Тўртинчи йўналиш. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни аниқлашга қаратилган чоратадбирларни ҳаракатлантирувчи ҳуқуқий механизми етарлича эмас. Хусусан:

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

а) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 44-моддасида (1-қ. 3-б.), шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан хукуқбузарликлар профилактиказини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги йўриқномасида белгиланган «Хукуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш» чора-тадбири шахснинг хукуқбузарликдан жабрлангандан кейинги ҳолатини назарда тутади. Бу эса бир томонлама бўлиб, хукуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси тамоилига зидликни келтириб чиқаради;

б) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида (28-м. 4-қ. 1-б.) «жиноятлар, бошқа хукуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳодисалар жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор ахволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш» мажбурияти белгиланган ва унга кўра воқеа жойидаги жабрланувчиларни аниқлаш ва реабилитация қилиш назарда тутилган бўлиб, жиноятлар, воқеа-ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилгандир;

в) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябардаги “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида (8-м. 1-қ. 3-б.) “Хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳди迪 мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни қўриб чиқиши” мазмунидаги чора-тадбир белгиланган бўлиб, бу хотин-қизлар ҳар қандай хукуқбузарликлардан жабрланишини барвақт олдини олишга хизмат қиласди, шунингдек қайта жабрланишига йўл қўймайди. Бироқ ушбу чора-тадбир ҳам бир тарафлама бўлиб, буни фақатгина хотин-қизларга қаратилганлиги билан асослаш мумкин.

Тадқиқот натижалари хукуқбузарликлар профилактиказига оид амалдаги қонунларга хукуқбузарликлар профилактиказини бевосита амалга оширувчи, шу жумладан ички ишлар органларининг жамиятда хукуқбузарликдан жабрланиш эҳтимолининг ва жабрланишга мойил шахсларнинг шаклланишининг барвақт олдини олиш, шунингдан хукуқбузарлиқдан жабарланиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича ваколатларни ҳамда уларни амалга ошириш тартиби ва талабларини белгиловчи нормаларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни нормаларини такомиллаштириши. Мазкур қонунга:
а) «хукуқбузарлиқдан жабрланишга мойил бўлган шахс» тушунчасини юқорида биринчи йўналишда берилган таҳирда киритиш; б) хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси тушунчасини Хукуқбузарликлар профилактиказини бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи орган ёки муассасаларнинг жамиятда

хукуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли(виктимлик) шаклланишининг, жабрланишга мойил бўлган шахсларнинг жабрланувчига айланишининг барвақт олдини олиш, хукуқбузарлиқдан жабрланганларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни реабилитация қилиш, хукуқбузарликлардан жабрланишнинг сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида умумий, махсус, якка тартиbdаги профилактика билан уйғунликда кўлланиладиган ижтимоий, ташкилий, хукуқий, психологик, маънавий, маърифий, тиббий, педагогик ва бошқа чора-тадбирларини амалга ошириш жараёни хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир” деган янги таҳрирда бериш; в) хукуқбузарликлар профилактикаси вазифаси сифатида (4-моддага), шунингдек уни бевосита амалга оширувчи органлар ваколатларига(10-19-моддаларга) хукуқбузарликлардан жабрланишнинг олдини олиш, жабрланиш эҳтимоли(мойиллик)ни шакллантирувчи, жабрланишнинг сабабларини ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўришга оид қоидаларни киритиш; г) хукуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш асосларига (24-моддага) «хукуқбузарликларда жабрланишга мойил ва жабрланган шахслар тоифаларининг кўпайиши»ни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазииклар ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг айрим нормаларини тақомилластириш. Мазкур қонуннинг: а) 3-моддасига қуйидаги таҳрирда: “Тазиик ва зўравонлиқдан жабрланишга мойил – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хукуқбузарлик содир әтилишидан жабрланиш эҳтимоли ҳолатида бўлган аёл жинсидаги шахс” тушунчасини, шунингдек 10-бандига “педагогик-реабилитация”, 11-бандига «хотин-қизларда тазиик ва зўравонлиқдан жабрланишга мойиллик шаклланишига ҳамда жабрланишга”, мазкур банддаги “ижтимоий” сўзи ўрнига “маънавий-маърифий, ижтимоий-руҳий, педагогик-реабилитация” ибораларини; б) 5, 8-12-моддаларига “хотин-қизларда тазиик ва зўравонлиқдан жабрланишга мойиллик шаклланиши ҳамда жабрланиши сабаблари ҳамда уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш” таҳририда алоҳида бандлар; в) 15-моддаси 2-бандига “ҳамда улардан жабрланишнинг”, 4 ва 6-бандларига “ҳамда жабрланиш”, 7-бандига “ва ундан жабрланиш”, 9-бандига “шунингдек жабрланиш эҳтимоли юқори” деган ибораларини киритиш; г) 16-моддага “жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган”, 17, 19, 20-моддаларнинг 1-қисмларига “шунингдек жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган”, 22-модда 2-қисмига “ҳамда улардан жабрланишга” деган ибораларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчи йўналиш. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда хукуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган(мойил) ёхуд хукуқбузарлиқдан жабрланган шахсларни аниқлашга қаратилган янгича

механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш зарурияти мавжуд.

Ички ишлар органлари томонидан ҳукуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд жабрланган шахсларни аниқлаш: а) шахсларни ҳукуқбузарлиқдан жабрланишини барвақт олдини олиш; б) жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш ҳамда бузилган ҳукуқларини тиклаш; в) жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг жабрланиш хавфини минималлаштириш; г) жабрланувчиларга етказилган зарарни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; д) жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш; е) таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда шахсга хос бўлган индивидуал хусусиятларни таҳлил этиш; ё) объектив ва субъектив хусусиятли виктим омилларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш имконини беради.

Ҳукуқбузарликларнинг (*коррупция, фирибгарлик, безорилик, майдо безорилик, ҳақорат ва шу кабилар*) латентлиги билан боғлиқ омилларнинг мавжудлиги ички ишлар органларининг жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни ёхуд ҳукуқбузарлиқдан жабрланганларни аниқлашга қаратилган фаолияти самарадорлигига салбий таъсир этади.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, коррупциянинг мураккаблиги шундаки, биринчидан, унинг барча иштирокчилари – пора оловчи ва пора берувчи ўзининг жиноят ҳаракатларини синчиклаб яширишдан манфаатдор, чунки жиноят фош этилса, пора олиш ва пора бериш учун жиноий жавобгарлик муқаррар. Шунинг учун ҳам мазкур тоифадаги жиноятлар аксарият ҳолларда гувоҳларсиз ва жиноят излари ниқбланган ҳолда содир этилади. Бошқа бир тадқиқотда эса 22 фоиз ҳолатда қурбоннинг виктим хулқ-атвори ўғрилик содир этишнинг муҳим сабаби бўлганлиги қайд этилган.

Бу каби ҳолатларни дунёning ривожланган мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, АҚШ ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан амалга оширилаётган назоратнинг, шунингдек жабрланувчи ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан аниқлашнинг сустлиги, улар билан қайтма алоқани таъминлаш механизми ишлаб чиқилмаганлиги сабабли мамлакатдаги “Ҳинд колл-марказлари”нинг жиноий фаолияти кенгайиб кэтишига замин яратган. Марказ 4 йил давомида телефон ва Интернет имкониятларидан фойдаланиб, асосан кекса ёшдагилар ва муҳожирларни (жабрланганлар сони 15 мингдан ортиқ) алдаб, уларга қамоқ жазоси, депортация ва АҚШ ҳукумати билан боғлиқ бошқа муаммолар билан таҳдид қилиб 250 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорида пулларни ундириб келишган²⁹⁹.

²⁹⁹ Саитқұлов Қ.А. Фирибгарлик жиноятининг сабаб ва шароитлари, усуслари ҳамда виктимологик профилактикасига оид айрим масалалар// Ҳукукий тадқиқотлар журнали // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-4> (дата обращения: 20.03.2020).

Мазкур ҳолат бўйича илк жабрланган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва улар берган маълумотларни ўрганиш келгусидаги виктимологик профилактик чоратадбирларни белгилаб олишни ҳамда бу каби жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган минглаб фуқароларнинг жабрдийдага айланишининг барвақт олдини олишга хизмат қиласди.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, хуқуқбузарликдан жабрланган шахслар билан бир қаторда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш тўғрисида ва улардаги бу каби хавфни камайтириш ҳамда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган чора-тадбирларни хуқуқий жиҳатдан кафолатлаш зарур.

Шу жиҳатдан ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ва жабрланган шахсларни аниқлаш бўйича янгила механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тақозо этилади.

Тадқиқот жараёнида ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд жабрланган шахсларни аниқлаш бўйича модель ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ ички ишлар органлари хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд жабрланган шахсларни аниқлашда қўйидагиларга асосланиши лозим:

– маъмурий худудни профилактик кўздан кечириш ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш жараёнида олинган хабарлар ва маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига;

– маъмурий худудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш жараёнида аниқланган реал ҳолатлар ва ахборотларни таҳлил қилиш натижаларига;

– маъмурий худудда хуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш жараёнида келиб тушган мурожаатлар ҳамда хабарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларига;

– фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини қўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнида олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига;

– маъмурий хуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда ҳал қилиш жараёнида аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш натижаларига; – маъмурий худудда паспорт-виза ва назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш жараёнида аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш натижаларига;

– хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар билан ўзаро ахборот алмашинуви натижаларига;

– фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш жараёнида олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига;

– аҳоли билан ўтказиладиган сайёр қабуллар, ҳисобот учрашувларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни аниқлашда амалиётга жорий этилаётган қўйидаги усуллардан фойдаланиш самаралидир: а) халқ билан мулоқот қилиш; б) сайёр қабуллар ташкил этиш; в) уйма-уй юриш; г) виктимологик профилактик сұхбат ўтказиш; д) виктимологик ҳуқуқий тарғибот; е) ижтимоий сўров; ж) оммавий ахборот воситалари орқали мурожаат; з) ижтимоий тармоқларда маҳсус сайтлар ташкил этиш ва ҳ.к.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни аниқлашда қўйидаги воситалардан фойдаланишлари мумкин: маъмурий ҳудудда ва турли обьектларда ўрнатилган видео кузатув камераларини таҳлил қилиш; юридик ва жисмоний шахсларнинг турли мурожаатларига оид материалларини таҳлил қилиш; маъмурий ва жиноят ишига доир ҳамда бошқа иш материаллари; оммавий ахборот воситалари орқали тақдим этилаётган материаллар; Интернет ижтимоий тармоғидаги жабрланиш билан боғлиқ ҳолатлар.

Олтинчи йўналиши. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиши фаолияти қонун ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Ушбу фаолиятнинг йўлга қўйилиши ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи шахси тўғрисидаги маълумотлар (ёши, жинси, маълумоти, машғулоти ва бошқа индивидуал хусусиятлари), жабрланувчига етказилган заарар (заарнинг тури, миқдори) ҳамда ҳуқуқбузарлиқдан жабрланишга олиб келувчи виктимоген омилларни таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Тадқиқотларда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини ташкил этиш, режалаштириш, жабрланувчиларни рўйхатга олиш ҳамда уларнинг доимий статистикасини юритиши зарурият эканлиги тўғрисидаги қарашлар илгари сурилган³⁰⁰.

Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни рўйхатга (ҳисоб) олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам етарли эмаслигини амалиётга оид статистик маълумотлар кўрсатмоқда.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқсан ҳолда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиши фаолияти самарадорлигини ошириш учун:

а) ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (16.09.2016 й.) ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (14.05.2014 й.) қонунларига мувофиқ

³⁰⁰ Ниёзова С.С. Вояга етмаганларга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасига доир қонун нормаларини такомиллаштириш [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss3/7> (дата обращения: 21.09.2019)

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

хукуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун статистик маълумотларнинг ягона тизимини жорий этиш;

б) маъмурий хукуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахслар бўйича тизимли таҳлилни ўтказиш, шунингдек, уларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини амалда жорий этиш;

в) ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномасининг 78-бандини қуидаги: хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси ходими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон “Маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ маъмурий жазога тортилган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек хукуқбузарнинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлигини текшириш мақсадида талабнома жўнатади ҳамда жавобини иш ҳужжатларига қўшиб қўяди» деган таҳрирда ўзгаришиш киритиш;

Еттингчи йўналиши. Тадқиқотлар амалиётда ички ишлар органларининг ҳар бир соҳавий хизматлар ўзларининг асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда хукуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ва жабрланган шахсларни тоифалашни ҳамда уларнинг индивидуал, ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш, шунингдек мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда виктимологик профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эҳтиёж юқорилигини кўрсатмоқда.

Ушбу фаолият йўналиши ички ишлар органлари ходимларидан юксак билим ҳамда юқори малакага эга бўлишни талаб этади. Чунки шахсга хос индивидуал ҳамда ижтимоий-психологик хусусиятларни билиш учун бир қатор чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш зарурати мавжуд. Ушбу чора-тадбирларга қуидагиларни келтириш мумкин: жабрланувчининг индивидуал, ижтимоий-психологик хусусиятларини акс эттирувчи маълумотларни олиш, жамлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш; жабрланувчининг индивидуал, ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда профилактик сұхбат ўтказиш ҳамда мулоқот жараёнида муаммоларини аниқлаш ва ўрганиш; жабрланувчининг индивидуал, ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш; жабрланувчининг индивидуал, ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишда мутахассис психологлар имкониятидан кенгроқ фойдаланиш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, хукуқбузарлиқдан жабрланишга сабаб бўлувчи низоларни вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш ҳам криминологик, ҳам виктимологик аҳамиятга эга профилактик чора-тадбир бўлиб, бу ривожланган давлатларда ҳам кенг қўлланиладиган самарали ёндашув ҳисобланади.

Хуқуқбузарлик содир этганлар ва жабрланувчиларнинг хулқи, одоби, ахлоқи, маълумоти, маънавияти, руҳий ҳолати каби шахсининг хусусиятлари ҳақидаги кўрсаткичлар кўпинча бир-бирига яқин ҳисобланади³⁰¹. Бу каби хусусиятлар кўпинча ҳуқуқбузарлиқдан жабрланиб қолишга сабаб бўлувчи низоли ҳолатларни юзага келтиради. Масалан, жиноятга оид статистик маълумотлар таҳдиллари шуни кўрсатмоқдаки, оиласда қўлланиладиган ҳар қандай кўринишдаги зўравонликнинг келиб чиқишига, оила аъзолари ўртасида вужудга келадиган оиласвий-маиший низолар сабаб бўлади³⁰².

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Абдурасурова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2005. – 231 б.
2. Алауханов Е., Зарипов З., Тукеев А. Преступность несовершеннолетних и её профилактика / Монография. Алматы, 2009. – С. 31.
3. Амиров З.А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбия: назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Монография / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, доцент Х.Т. Маматов. – Т., 2016. – 262 б.
4. Антонян Ю.М. Преступность женщин // Социалистическая законность. – 1991. – №7. – С. 20.
5. Ахъядов Е.С. Отечественный и зарубежный опыт профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // «Молодой учёный». – 2016. – № 2 (106). – С. 658–661.
6. Бакаев А.А. Система профилактики правонарушений несовершеннолетних. – М., 2004. – С. 181–194.
7. Болькова Н.Н. Молодежная политика в ЕС: Роль образования в противодействии проявления экстремизма (пример Германии) // [Электрон манба]: https://mgimo.ru/files2/z11_2014/Molodezhnaya-politika-v-EU-rol-obrazovaniya-v-protivodeystvii-proyavleniy-ekstremizma.pdf (мурожаат қати: 09.06.2019 й.).
8. Ветошкин С.А. Ювенальное право: Учеб. пособие. – Екатеринбург, 2008. – 169 с.

³⁰¹ Хаткова Ф.Х. Виктимологические аспекты женской преступности: автореф...дис. канд. юрид. наук. – М., 2004. (Khatkova F.H. Victimological aspects of female crime. Abstract. Diss. ... kand. The faculty of law sciences. – M., 2004.).

³⁰² Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиласдаги зўравонлик билан боғлик ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллашибдириш: юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2019. – Б.28,110.